

## СОМОНИЙЛАР ДАВРИ РОФИЗИЙЛИК ТОИФАСИГА МАНСУБ ФИРҚАЛАРГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Саиджонов Акмалдин Адҳамжон ўғли,  
таянч докторант  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### Аннотация

Ушбу мақоладан қўзланган мақсад сомонийлар сулоласи (204-389/819-999) даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларида мавжуд бўлган рофизийлик тоифасига мансуб фирқаларнинг фаолиятларини манбалардаги маълумотларга асосланган ҳолда ёритишдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақолада алавийлик, исмоилийлик, карромия ва кайёлия каби фирқаларнинг сомонийлар ҳудудидаги яшаш ўринлари ҳамда уларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётга ўтказган таъсирлари таҳлил қилинди. Ундаги маълумотлар ўрта асрларнинг турли даврларида араб ва форс тилларида ижод қилган Табарий, Ибн Надим, Наршахий, Утбий, Гардизий, Низомулмулк, Али Байҳақий, Умар Насафий ва шу каби бошқа олимлар асарларига асосланади.

Сомонийлар даврида Ҳасан ибн Қосим, Абу Жаъфар ал-Алавий, Абулхусайн Муҳаммад ибн Аҳмад Зуборий, Абу Яъло Ҳамза ибн Муҳаммад ал-Алавий сингари алавийлар, Абу Абдуллоҳ Ходим, Абу Саид Шаъроний, Ҳусайн ибн Али Марварудий, Абулҳасан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамдуя ан-Насафий каби исмоилийлар ўз эътиқодларини ёйишда кенг фаолият олиб бордилар. Исмоилийлар ҳаттоки сомонийлар ҳудудининг қок марказидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, давлат ва қўшиндаги мансабдорларни ҳам ўз томонига оғдиришга эришадилар. Шунингдек, бу даврда карромийлар ва кайлийлар ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларида ўрнашиб, маълум муддат ўз фаолиятларини юритдилар. Бу жараёнда сомоний амалдорларнинг рўли катта бўлди.

**Калит сўзлар:** Сомонийлар, фирқа, рофизийлик, алавийлик, исмоилийлик, карромия, кайёлия.

Исломий фирқалардан дастлабкиси Араб халифалиги (11-656/632-1258) ҳудудларида рошид халифалар (11-40/632-661) даврида пайдо бўлди<sup>1</sup>. Кейинги даврларда уларнинг сони янада ортди. Аббосийлар сулоласи (132-656/750-1258) даврида халифаликнинг шарқий чегараларида, яъни сомонийлар (204/819-389/999) қўл остидаги Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларида ҳам улар ўз фаолиятини олиб бордилар. Булардан рофизийлик<sup>2</sup> тоифасига мансуб бўлганлари ўзларининг ижтимоий ҳамда сиёсий фаолликлари билан

<sup>1</sup> А. Saidjonov. Somoniylar sulolasi hakmronligi davrida xorijiyilar va jahmiylar // Yosh olimlar ilmiy-amaliy to'plami: konferensiya to'plami. Toshkent: "O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi" nashriyot-matbaa birlashmasi, 2022. 15-17-betlar.

<sup>2</sup> Рофизийлик – бу “тарк этиш, рад этиш” маъносини англатувчи “рофиз” сўздан олинган бўлиб, ўрта асрларда сунний ислом илоҳиётида изчил йўлдан четга чиққан оқимлар, хусусан Абу Бакр Сиддик (р.а.) ва Умар (р.а.)нинг ҳукукини рад этган шиалар шу ном билан аталган. А. Тулепов. Ислам ва ақидапараст оқимлар. – Тошкент: Шарқ, 2013. Б. 73.

алоҳида ажралиб турди. Қуйида булардан тўрттаси, алавийлик, исмоилийлик, карромия ва кайёлия ҳақида сўз юритилади.

*Алавийлик.* Рофизийликнинг бир қанча фирқалари мавжуд бўлиб, булардан биринчи пайдо бўлгани алавийликдир. Сомонийлар даврида алавийлар оиласи вакиллари Хуросоннинг Нишопур, Машҳад ва Тус шаҳарларида, Мовароуннаҳрда эса Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда яшаган. Муқаддасийнинг ёзишича, бу ҳудудларда алавийларнинг мавқеъи жуда баланд бўлган<sup>3</sup>.

Зайдий алавийлар 250/864 йили Ҳасан ибн Зайд<sup>4</sup>, Муҳаммад ибн Зайд<sup>5</sup> ва Ҳасан ибн Али ал-Утруший<sup>6</sup> каби имомлар бошчилигида Табаристонда давлат тузишга<sup>7</sup>, Табаристон, Журжон ва Дайламда рофизийлик кенг тарқала бошлади. Кейинчалик бу ҳудудлар сомонийлар сулоласи томонидан босиб олинди, шундай бўлсада сомонийларнинг бу ердаги ноиблари алавийларга яхши муносабатда бўлишган<sup>8</sup>. Табаристон бироз вақтдан сўнг яна алавийлар қўлига ўтади. Бироқ 316/928 йилги ҳал қилувчи жангда Асфар ибн Шируя Ҳасан ибн Қосим<sup>9</sup>ни мағлуб этиб, Журжон ва Табаристонда сомонийлар ҳукмронлигини қайта тиклади. Бир нечта алавий ва уларнинг Абу Жаъфар ал-Алавий каби бошлиқлари Бухорога олиб кетилди. Наср ибн Аҳмад даврида, яъни 318/930 йили содир бўлган қўзғолонда улар қўзғолончилар сафидан жой олишади. Сомонийларнинг қаттиқ қаршилигига қарамай алавийлар ўз таъсир доирасини Хуросоннинг ғарбий чегараларигача кенгайтирганлигини кузатиш мумкин. Ибн Фазлоннинг ёзишича, у 309/921 йилда Домифонга етиб келганида, шаҳар алавийлар қўли остида бўлган ва у ерда Ҳасан ибн Қосим ад-Доъийнинг қўмондонларидан Ибн Қоранга дуч келган. Ибн Фазлон шунингдек, ундан хавфсираганлиги сабабли карвоннинг устида кўринишини ўзгартириб, йўлида довом этганлигини қайд этган<sup>10</sup>.

Ўртадаги зиддиятларга қарамай сомонийлар алавийларни ҳурмат қилган. Амир Исмоил уларга мол-мулк бериб, ўлпон тўлашдан озод қилган<sup>11</sup>. Баъзи ривоятларга кўра, Исмоил Сомоний ёшлигида Муаддабий Рофизийдан илм ўрганган<sup>12</sup>. Сомонийлар даврида Самарқанд рофизийларнинг муҳим марказларидан бири бўлган. Муҳаммад ибн Масъуд Айёший (320/941) бу шаҳарда илмий жамоа ташкил этишга муваффақ бўлган. Наср ибн Аҳмад ва ундан кейинги амирлар даврида Самарқандда зоҳид сифатида танилган рофизийлик вакили Иброҳим ибн Али Куфий катта ҳурматга эга бўлган<sup>13</sup>.

<sup>3</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад Муқаддасий. Аҳсан ат-тақосим фи маърифа ал-ақолим. Лейден, 1967. Б. 323.

<sup>4</sup> Ҳасан ибн Зайд – тўлиқ исми Ҳасан ибн Зайд ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Ҳасан ибн Зайид ибн Ҳасан ал-Мужтабо ибн Али ал-Муртазо бўлиб, “ад-Доъий Кабир Халифа” ҳамда “Имом бил-Ҳақ” номлари билан машҳур. Алавийларнинг 864-884 йиллардаги амири.

<sup>5</sup> Муҳаммад ибн Зайд – Ҳасан ибн Зайд ад-Доъий Кабир Халифанинг укаси. Алавийларнинг 884 – 900 йиллардаги амири.

<sup>6</sup> Ҳасан ибн Али ал-Утруший – тўлиқ исми Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Али ибн Ҳасан ибн Али ибн Умар ибн Ашраф ибн Али Зайнлобидин. Алавийларнинг 914 – 917 йиллардаги амири.

<sup>7</sup> Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Тарих ал-умам вал-мулук. Байрут, 1967. Ж. 9. Б. 271-275.

<sup>8</sup> Али ибн Муҳаммад ибн ал-Асир. Ал-Комил фит-тарих. Байрут, 1982. Ж. 8. Б. 81.

<sup>9</sup> Ҳасан ибн Қосим – тўлиқ исми Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Қосим ад-Доъий илал-Ҳақ. Алавийларнинг 917-919, 919-923, 927-928 йиллардаги амири.

<sup>10</sup> Ибн Фазлан. Рисола Ибн Фазлон. Дамашк, 1959. Б. 74.

<sup>11</sup> Муҳаммад ибн Жаъфар Тарихи Бухоро. Техрон: 1351. Б. 22, 40, 46, 83, 84.

<sup>12</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. Тарих ал-ислом. Байрут, 1992-1993. Ж. 14. Б. 154-155.

<sup>13</sup> Муҳаммад ибн Ҳасан ат-Тусий. Ихтиёру маърифа ар-рижол. Машҳад, 1347. Б. 438.

Алавийлик Нишопур, Машҳад ва Байҳақда анча вақт давомида алоҳида мавқеъга эга бўлган ва бу шаҳарларда кўплаб алавий оилалари яшаган. Али ибн Зайд ал-Байҳақий ўзининг “Тариху Байҳақ” асарида бу ерларнинг кўзга кўринган оилалари, зодагонлари ва олимлари ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Улар орасида алавийликка мансуб кўплаб кишиларни учратиш мумкин. Наср ибн Аҳмад даврида алавийлар хонадони тарафдорлари аббосийлар халифалигига қарши сиёсий ҳаракат уюштилади. Абулхусайн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Зуборий Нишопурий (339/950 йили вафот этган) машҳур алавий шоирларидан бири бўлиб, у адиб, шоир, ҳофиз Қуръон, тарихчи, хаттот ва фасоҳатли инсонлардан саналган. Шу сабабли кўплаб амирлар, саркардалар ва оддий халқ вакиллари уни халифа деб билиб, унга байъат қилишган<sup>14</sup>. Зуборий “ал-Озид биллоҳ” лақабини олиб, тўрт ой давомида унинг номига хутба ўқилади. Баъзи ривоятларга кўра, Нишопурда ўн мингга яқин киши Муҳаммад Зуборийга байъат қилган. Лекин у Наср ибн Аҳмаднинг қўшин қўмондонларидан Ҳамуя ибн Али томонидан қўлга олинади. Сомонийлар ҳукумати бу ҳаракатнинг кучайиб кетишидан хавотирланиб, Зуборийни зиндонбанд этиш учун Бухорога олиб келади ва шу ерда қамокқа ташланади. Орадан тахминан бир йил ўтгач, Зуборий амир Наср томонидан афв этилиб, унга икки юз дирҳамга тенг бўлган ойлик маош тайинланади ҳамда ҳурмати жойига қўйилган ҳолда Нишопурга қайтарилади<sup>15</sup>. Айрим манбаларда Зуборий “соҳибу-л-арзоқ”, баъзан эса “накибу-н-нуқабо” номи билан ҳам тилга олинади<sup>16</sup>.

Шу тариқа алавийларнинг қаршилиқ ҳаракатлари тўхтаб қолмади. Нух ибн Наср амирлиги даврида Нишопурда алавийларнинг кўзга кўринган намоёндаларидан бирини қўллаб-қувватловчи янги бир ҳаракат юзага чиқди. Қазвинлик Абу Яъло Ҳамза ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Алавий ал-Яздий (346/957 йили вафот этган) 330/941 йилда Нишопурга келиб, у ерда 337/948 йилгача яшаган. Абу Яъло халифалар, муҳожирлар ва ансорлар ҳақида яхши фикрда бўлган, Язидни такфир қилишдан ҳам ўзини тийган. Абу Яъло Рай томон ҳаракатланганда, Нишопур аҳли унга байъат қилмоқчи бўлади, лекин у бу ишга рози бўлмайди. Абу Яълонинг тарафдорлари қўпайиб боришидан хавфсираб, Абу Али ал-Муҳтожий ал-Чағоний 337/948 йили Райга ҳарбий юриш уюштилади. У Абу Яълони ғалаён келтириб чиқаради, деган айблов билан ҳибсга олиб, уни халқнинг кўзидан яширишга уринади. Абу Али ал-Муҳтожий турклар билан бирга Абу Яълони аввал Нишопурга, 339/950 йилда эса Бухорога жўнатади. Кейинроқ Абу Яъло озод қилиниб, Нишопурга қайтарилади. Абу Яъло вафот этгач, унинг жасади Қазвинга олиб кетилган<sup>17</sup>. Рофизийларнинг таниқли адиби Абу Бакр ал-Хоразмий ўз сафдошларига йўллаган мактубида, у сомонийларнинг Хуросондаги қўшини қўмондони Абулҳасан ас-Симжурнинг ёмон муомаласидан ва рофизийларнинг зулмидан нолиб, шикоят қилган. Сомонийлар сулоласининг инқироzi ва ғазнавийларнинг тарих сахнасига чиқиши рофизийлар, шу билан бир қаторда алавийлар учун ҳам оғир оқибатларга олиб келди. Чунки султон Маҳмуд Ғазнавий аҳли сунна эътиқодига амал қилган ҳамда халифаликка

<sup>14</sup> Али ибн Зайд ал-Байҳақий. Тарихи Байҳақ. Ҳайдаробод, 1967. Б. 98, 440.

<sup>15</sup> Аҳмад ибн Али ибн Инаба. Ал-Фусул ал-фахрия. Техрон, 1987. Б. 194.

<sup>16</sup> Али ибн Зайд ал-Байҳақий. Тарихи Байҳақ. Ҳайдаробод, 1388/1967. Б. 95, 98, 440.

<sup>17</sup> Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ал-Ансоб. Ҳайдаробод, 1962-1982. Ж. VI. Б. 368-369.

байъат қилиб, аббосийлар халифасига душман ва мухолиф гуруҳларга, жумладан, рофизийлик ва мўтазилага қарши кураш олиб борган<sup>18</sup>.

*Исмоилийлик.* Исмоилийлик рофизийликнинг катта бир фирқаси бўлиб, унга эргашувчилар имоматлик Жаъфар ас-Содикдан (148/765 йили вафот этган) кейин унинг тўнғич ўғли Исмоилга (143/761 йили вафот этган) ўтган ҳамда у билан тугаган, деб ҳисоблайдилар. Қарматийлар ҳам бу фирқага мансуб бўлсаларда, улар имоматлик Исмоилдан кейин унинг ўғли Муҳаммадга ўтган деб ҳисоблайдилар. Исмоилийликка қарши кишилар томонидан қилинган ривоятларга кўра, бу фирқанинг пайдо бўлиши III/IX асрда ўзини Муҳаммад ибн Исмоилнинг авлоди деб ҳисоблаган Абдуллоҳ ибн Маймун Қаддох исмли киши билан боғлиқ ҳамда унинг авлодлари Рай, Табаристон, Хуросон, Яман, Қатиф, Баҳрайн ва Форс шаҳар ва туманларида исмоилийликнинг илк тарғиботчилари бўлганлар<sup>19</sup>. Аммо баъзи олимлар буни инкор этишади. Маҳдий (297-322/910-943) лақаби билан танилган Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад 297/910 йили Мағрибда халифаликка даъво қилиб чиқади ва исмоилийликни тарғиб қилиш учун бош кўтаради, натижада Қайравонда Фотимийлар давлатини тузишга эришади. Унинг тарафдорлари 358/969 йили Мисрни эгаллагач, у ерга кўчиб ўтадилар<sup>20</sup>. Фотимийлар давлати барпо этилганидан бошлаб, Убайдуллоҳ Маҳдийнинг даъватчилари аббосийлар халифалигининг шарқий ҳудудларига ҳам ўз ғояларини тарғиб қила бошлаганлар. Исмоилийлик тарғиботчилари айниқса, Ироқ ва Эронда кенг фаолият олиб боришган. Хуросон ва Мовароуннаҳр эса уларнинг тарғибот майдонига айлантирилади. Ҳаттоки улар сомонийлар ҳудудининг қоқ марказидан мустаҳкам ўрин эгаллаб, давлат ва кўшиндаги мансабдорларни ҳам ўз томонига оғдиришга эришадилар. Исмоилийлар IV/X асрда ҳам сомонийлар бошқаруви остидаги ҳудудларда ҳаёт кечириб, ўз фаолиятларини давом эттиришган.

Хуросонда исмоилийлик тарғиботининг бошланиши III/IX асрга тўғри келади, яъни, тоҳирийлар сулоласи вакили Муҳаммад ибн Тоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир (248-259/862-873) даврида бу заминда исмоилийлар пайдо бўла бошлаган<sup>21</sup>. Аммо бу даврдаги исмоилийлик “доъийлар”нинг фаолияти ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Ҳижрий III асрнинг сўнгги ўн йиллигида Абу Абдуллоҳ Ходим исмли киши исмоилийликнинг Хуросондаги бош тарғиботчиси бўлиб, унинг қараргоҳи Нишопурда жойлашган. У Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг кўплаб шаҳарларига ўз ноибларини жўнатган<sup>22</sup>.

Исмоил Сомоний даврида, яъни 295/907 йили Ғур ва Ғарча тоғларида Яъқуб ибн Лайснинг жияни Абу Билол исмли исмоилийлик тарғиботчиси пайдо бўлади. У ўзи ўрнашган ҳудудни “дору-л-адл” деб номлаб, Ҳиротнинг ўн мингдан ортиқ қишлоқ аҳолиси ва деҳқонларини у ерга чакиради. Уларнинг ҳаракати жиддий тус олишни бошлагач, Ҳирот ҳокими Муҳаммад ибн Ҳарсама бу ҳақидаги хабарни амир Исмоил Сомонийга етказди. Амир Ҳирот ҳокимига ёрдам бериш учун Тикаш ва Абу Али Марварудий қўмондонлигида кўшин жўнатади. Сомонийлар кўшини билан исмоилийлар ўртасида бўлиб ўтган жангда

<sup>18</sup> Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. Байрут, 1985. Ж. IV. Б. 37, 38.

<sup>19</sup> Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим. Ал-Фихрист. Техрон, 1346. Б. 238.

<sup>20</sup> Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим. Ал-Фихрист. Техрон, 1346. Б. 338, 339.

<sup>21</sup> Абдулқохир ибн Тоҳир Бағдодий. Ал-Фарқ байна-л-фирак. Миср, 1948. Б. 19.

<sup>22</sup> Рашидиддин Фазлуллоҳ. Жомеъ ат-таворих (Қисмати исмоилиён). Техрон, 1356. Б. 12.

Абу Билол ва ҳаракатнинг бошқа етакчилари асирга олинди ҳамда ўлдирилди. Шундан сўнг исмоилийлар даъвати Мовароуннаҳр ва Хуросонда бир муддат тўхтаб қолади<sup>23</sup>.

Ибн Надимнинг ёзишича, Убайдуллоҳ ал-Маҳдий 307/920 йили Абу Абдуллоҳ Ходимнинг ўрнига Абу Саид Шаъронийни Хуросондаги тарғиботга раҳбар этиб тайинлайди. У Наср ибн Аҳмаднинг Нишопурдаги қўшини раҳбарларидан баъзиларини, жумладан Ҳусайн ибн Али Марварудий (Марвазий ҳам дейилади) ҳамда вазири Муҳаммад ибн Мусо Балхийни исмоилийларга қўшилишга қўндиради. Бу икки нуфузли шахснинг ёрдами билан қўлаб инсон исмоилийликка ўтказилган<sup>24</sup>. Шаъроний Абу Бакр ибн Муҳтож даврида (321-327/933-939) Нишопурда ўлдирилган<sup>25</sup>.

Абу Саид Шаъронийдан сўнг Ҳусайн ибн Али Марварудий исмоилийлар ҳаракатига бошчилик қилган ва ўз фаолиятида катта муваффақиятларга эришган. У олиб борган тарғиботлар натижасида сомонийлар бошқаруви остидаги Толиқон, Маймана, Фарёб, Фарчистон, Ғур ҳудудларида қўлаб одамлар исмоилийликни қабул қилади<sup>26</sup>. Ҳусайн ибн Али Марварудий 302/915 йили сомонийлар амири Наср ибн Аҳмад ибн Исмоилга қарши қўзғолон қўтаради. Лекин бу қаршилик мағлубият билан якунланади. Ҳусайн ибн Али Марварудийдан кейин унинг ўрнига моваронуннаҳрлик Абулҳасан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамдуя ан-Насафий исмоилийлик тарғиботига етакчилик қилади<sup>27</sup>. У Бухородан олти чақирим узоқликдаги Баздаҳда жойлашиб, ўз тарғиботини олиб борган. Шунингдек, у олим ва ёзувчи ҳам ҳисобланган. Насафий ва унинг илмий сафдошларининг тарғиботлари натижасида исмоилийлик сомонийлар сулоласи вакиллари, сарой аъёнлари, шаҳар бошлиқлари ва оддий аҳоли орасида ҳам кенг тарқала бошлайди. Жумладан, амир Насрнинг жияни Бакр Нахшабий, хос котиби Ашъас, шунингдек, Абу Мансур Чағоний, Ойтош Ҳожиб ҳамда сомонийлар сипоҳсолори Бакр ибн Маликнинг укаси Ҳасан ибн Малик ҳам исмоилийликка ўтган. Исмоилийларнинг энг катта ютуғи эса амир Насрнинг улар томонга ўтиши бўлди. Вазият шу даражага бориб етдики, ҳукмдор исмоилийларнинг барча айтганини бажарадиган бўлди<sup>28</sup>. Мақризийнинг ёзишича, амир Наср ибн Аҳмад Сомоний Маҳдийга мактуб йўллаб, унинг халифалигини тан олгани ва агар буюрса, эллик минглик қўшин билан унинг ҳузурига бориб, дунё аҳлини унинг итоатига бўйсундиришини айтади. Маъруфий Балхий ўз шеърида Наср ибн Аҳмад саройига яқин шоирлардан бири бўлган Рудакийнинг исмоилийликка мойиллигини очиб берган. У шундай дейди: “Мен шоирлар султони Рудакийдан эшитганман, дунёда фотимийлардан бошқа ҳеч ким йўқдир”<sup>29</sup>.

Ибн Надимнинг ёзишича, Абулҳасан Муҳаммад Насафий ўзидан олдинги исмоилийлик даъватчиси Марварудийнинг қони эвазига сомонийлар амиридан ҳар бири минг мисқолга тенг бўлган 119 минг динар олиб, фотимийлар халифаси, яъни исмоилийларнинг ўша вақтдаги етакчиси ал-Қоимга жўнатган<sup>30</sup>. Насафийнинг сомонийлар саройидаги нуфузи

<sup>23</sup> Ҳасан ибн Али Низомулмулк Тусий. Сияр ал-мулк (Сиёсатнома). Техрон, 1355. Б. 299.

<sup>24</sup> Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим. Ал-Фихрист. Техрон, 1346. Б. 239.

<sup>25</sup> Абдулқоҳир ибн Тоҳир Бағдодий. Ал-Фарқ байна-л-фирак. Миср, 1948. Б. 170.

<sup>26</sup> Ҳасан ибн Али Низомулмулк Тусий. Сияр ал-мулк (Сиёсатнома). Техрон, 1355. Б. 285.

<sup>27</sup> Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим. Ал-Фихрист. Техрон, 1346. Б. 239.

<sup>28</sup> Ҳасан ибн Али Низомулмулк Тусий. Сияр ал-мулк (Сиёсатнома). Техрон, 1355. Б. 287-289.

<sup>29</sup> G. Lazard. Les Poetes Persans. Tehran / Paris, 1964. P. 136.

<sup>30</sup> Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим. Ал-Фихрист. Техрон, 1346. Б. 239.

шу даражага етдадики, эндиликда у исмоилийликни очикчасига тарғиб қила бошлади. Бу ҳолат амир ва саройнинг қўриқчилари бўлган аҳли сунна уламолари ҳамда туркий лашкарбошиларнинг ғазабини кўзгатди. Улар амир Насрни ўлдиришга ва исмоилийларни йўқ қилишга қарор қиладилар. Амир Наср бу пайтда касаллиги сабабли тўшакка миҳланиб ётган эди. У фитна ҳақида ўғли Нух орқали хабар топади ҳамда саройдан чиқиб кетишга муваффақ бўлади. Унинг ўрнига 331/942 йили ўғли Нух амирлик тахтига кўтарилди<sup>31</sup>.

Бу пайтда исмоилийлик вакилларида Ибн Савода амир Нухни исмоилийликка ўтказмоқчи бўлади ва шу мақсадда ўз шахрига кетган Насафийдан исмоилийлик олимларидан бир қанчасини амир Нухнинг саройига жўнатишини илтимос қилади. Лекин Нух ибн Наср аҳли сунна эътиқодига амал қилганлиги сабабли Ибн Саводани ўлдирди<sup>32</sup>. Насафийни эса фақиҳлар билан баҳс олиб бориши учун чақиртирди. Фақиҳлар уни шармандасини чиқариб, ўлимига фатво берадилар. Амир Нух Абулҳасан Муҳаммад Насафий билан бир қаторда, унинг даъватига қўшилган барчани ўлимга ҳукм қилди. Улар орасида Насафийнинг Саббоғ номи билан машҳур бўлган яқин сафдоши Муҳаммад ибн Саид ибн Муъоз ал-Манодил ал-Бухорий ҳам осиб ўлдирилди. Шу тариқа сомонийлар ҳудудида исмоилийлик устунлари бузиб ташланди. Бу ишлар таникли ҳанафий фақиҳи ва амир Нухнинг вазири Абулфазл Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Суламий ал-Марвазий ва бухоролик ҳуқуқшунос Абу Ҳафс Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Ижлийларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилди<sup>33</sup>.

Бухоро исмоилийлардан тозалангач, Исфижоб ва Насафда ҳам уларнинг тарғиботларига чек қўйилади. Эндиликда исмоилийлар ўз даъватларини яширин тарзда олиб борадиган бўлди. Марварудий ва Насафийларнинг ўлимидан сўнг Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Аҳмад Сижистоний (386/996 ёки 393/1003 йили вафот этган) Сеистон ва Хуросонда исмоилийликнинг навбатдаги машҳур тарғиботчиси бўлди. Аммо у Сеистон амири Халаф ибн Аҳмад томонидан ўлдирилди<sup>34</sup>.

Нух ибн Наср 343/954 йили вафот этиши билан исмоилийлар сомонийлар ҳудудида яна пайдо бўлиб, улар ўтмишдагидек сарой, девон ва қўшин ичига ҳам кириб бордилар. Абдулмалик ибн Нухнинг қўшин қўмондонларидан Абу Саид Бақр ибн Молик ал-Фарғоний ва вазири Абу Мансур Муҳаммад ибн Узайр (343-345/954-956) исмоилийларга қўшилган аъёнлардан эдилар. Улар шу ва бошқа айбловлар сабабли 345/956 йили қатл этилган<sup>35</sup>. Сомонийлар бошқаруви остидаги Тус вилояти ҳокими Абу Мансур Муҳаммад ибн Абдураззоқ ат-Тусий ҳам исмоилийлар қаторида тилга олинади<sup>36</sup>. Низомулмулк ўз асарида сомонийлар саройи ва девонига оид яна бир нечта кишини, жумладан, Мансур ибн Бойқаро, Абулаббос Жарроҳ, Хумортегин ва Таканакнинг исмоилийларга қўшилганлигини айтиб ўтган<sup>37</sup>.

<sup>31</sup> Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим. Ал-Фихрист. Техрон, 1346. Б. 239.

<sup>32</sup> Ҳасан ибн Али Низомулмулк Тусий. Сияр ал-мулк (Сиёсатнома). Техрон, 1355. Б. 295.

<sup>33</sup> Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд. Саудия Арабистони, 1991. Б. 88.

<sup>34</sup> Абдулқохир ибн Тохир Бағдодий. Ал-Фарқ байна-л-фирак. Миср, 1948. Б. 170.

<sup>35</sup> Абдулҳай ибн Дахҳок Гардизий. Зайн ал-ахбор. Техрон, 1363. Б. 352.

<sup>36</sup> Ҳасан ибн Али Низомулмулк Тусий. Сияр ал-мулк (Сиёсатнома). Техрон, 1355. Б. 300.

<sup>37</sup> Абдулҳай ибн Дахҳок Гардизий. Зайн ал-ахбор. Техрон, 1363. Б. 352.

*Карромия.* Рофизийликнинг яна бир фирқаси карромия бўлиб, у тоҳирийлар сулоласи даврида вужудга келган, кейинчалик сомонийлар худудида, хусусан, Нишопур ва Хирот ҳамда унга туташ худудларда кенг тарқалган. Бу фирқанинг асосчиси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Карром (190-255/806-869) бўлиб, у Сеистоннинг Заранж қишлоғида туғилган. У Хуросоннинг Нишопур, Хирот, Балх ва Марв сингари шаҳарларида таълим олган, сўнгра беш йил Маккада яшаган. Сеистонга қайтиб келгач, ўз ғояларини тарғиб қила бошлаган, лекин унинг тарғиботлари бу ерда рад этилади. Шундан сўнг у аввал Фаржистонга, кейин эса Нишопурга бориб жойлашди ҳамда бир гуруҳ деҳқонлар ва қишлоқ аҳлини ўз ғоясига ишонтирди. Аммо у ерда Муҳаммад ибн Карром тоҳирийлар сулоласи етакчилари Тохир ибн Абдуллоҳ ибн Тохир (230-248/844-862) ва Муҳаммад ибн Тохир (248-259/862-873) томонидан бузук эътиқоди сабабли қамоққа ташланган. Саккиз йиллик қамокдан сўнг Ибн Карром Нишопурдан сургун қилинади. Шу сабабли у 251/865 йили Дамашққа жўнаб кетди ва 255/869 йили Қуддусда вафот этди<sup>38</sup>.

Муқаддасийнинг ёзишча, карромийлар Фарғона, Хуттал, Марваруд, Самарқанд, Журжон, Жузжон, Биёр ва Жиболи Табаристонда каби шаҳарларда бир қанча хонақоҳларга эга бўлган<sup>39</sup>. Ушбу фирқа вакиллари ашъарийлик ва мотуридийликни қабул қилган ҳанафий ва шофеъий мазҳаби вакиллари билан доимий баҳс-мунозарада бўлиб келишган. Масалан, 370/981 йили сомонийлар қўшини бошлиғи Абулҳасан Муҳаммад ибн Симжур Нишопурда шофеъийлик мазҳабининг таниқли олими Абдулқохир Бағдодий билан карромийлар вакили Иброҳим ибн Муҳожир ўртасида баҳс уюштирган<sup>40</sup>. Ташкил этилишининг дастлабки йилларида сомонийларга боғлиқ бўлган ғазнавийлар сулоласи етакчилари Сабуктегин (366-387/977-997) ва унинг ўғли Маҳмуд (387-422/997-1030) карромийларни ўз ҳимоялари остига олади. Карромийлар ҳам ўз навбатида аббосийлар халифалигига ва ғазнавийлар ҳокимиятига боғлиқ эканликларини билдиради. Хатто 381/991 йили Бағдодда Тоъи Лиллаҳ халифаликдан четлатилиб, ўрнига Қодир Биллоҳ тайинланиши муносабати билан нишопурлик карромийларнинг етакчиси Абу Муҳаммад Абдуссалом ибн Муҳаммад ибн Ҳайсам унинг номига хутба ўқишни бошлаган, Маҳмуд ибн Сабуктегинни эса Хуросон ҳукмдори сифатида эътироф этган<sup>41</sup>. Ибн Карром ғояларини тизмлаштирган нишопурлик Исҳоқ ибн Маҳмашоз ва унинг ўғли Абу Бакр (421/1030 ваф.э.) ҳам Сабуктегин томонидан қўллаб-қувватланди. Шу тариқа карромийлик Нишопурда катта қувватга эга бўлди. Абу Бакр Маҳмуд ибн Сабуктегиннинг кўрсатмаси ва ёрдами билан исмоилийлар жойлашган қалъани қамал қилди ва уларнинг бир қисмини осиб ўлдирди. Унинг издошлари ҳам муваффақиятлардан фойдаланиб ўзларига муҳолиф бўлганларни бузук ақидада айблаб, жия тўлашга мажбурлайдилар<sup>42</sup>. Хатто Нишопурда шиалар томонидан эндиgina қурдирилган масжид ҳам бузиб ташлади. Шу тариқа Нишопурда карромийларнинг фитнаси кучайди. Султон Маҳмуд эса умумий норозиликдан сўнг уларнинг имкониятларини чеклайди ва шу йўл

<sup>38</sup> А. Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тошкент: Шарқ, 2013. Б. 101.

<sup>39</sup> Муҳаммад ибн Аҳмад Муқаддасий. Аҳсан ат-тақосим фи маърифа ал-ақолим. Лейден, 1967. Б. 323.

<sup>40</sup> Абдулқохир ибн Тохир Бағдодий. Ал-Фарқ байна-л-фирак. Миср, 1948. Б. 137.

<sup>41</sup> Абдулжаббор Муҳаммад ал-Утбий. Ат-Тарих ал-Яминий. Миср, 1286. Ж. II. Б. 109-111.

<sup>42</sup> Абдулжаббор Муҳаммад ал-Утбий. Ат-Тарих ал-Яминий. Миср, 1286. Ж. II. Б. 309-312.

билан шаҳарда тинчлик ўрнатади<sup>43</sup>. Абу Бакрнинг “тасжим” ҳақидаги фикри сабабли Султон Маҳмуд 402/1011-12 йили уни қўллаб-қувватлашни тўхтатади. Карромийларга қарши кўплаб баҳсларда қатнашган шофеъийлик мазҳаби олими, фақиҳ ва адиб Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Фурак Исфҳоний (406/1016 йили ваф.э.) Ғазнага чақирилади ва у каромийлар билан илмий баҳслар олиб боради. Лекин у уйига қайтишда заҳарланади ва 406/1016 йили вафот этади<sup>44</sup>. Мўғуллар босқинидан сўнг мазкур фирқа вакиллари ҳақида бирор бир маълумот учрамайди.

*Кайёлия.* Ислом олимлари кайёлияни рофизийларга оид фирқа деб биладилар. Бу фирқанинг етакчиси бўлган Аҳмад ибн Закариё Каёл Хуросоннинг жанубий-шарқида жойлашган Байҳақ ноҳиясининг Байту-н-нор қишлоғида туғилган<sup>45</sup>. Шаҳристоний (548/1153 йили вафот этган) уни Жаъфар ибн Муҳаммад Содикдан кейин аҳли байтнинг пешвоси ҳамда машҳур имомлардан бири деб билган. Унинг сўзларига кўра, Кайёл бир қанча илмий ва фалсафий нутқни ўзининг заиф ақли билан аралаштириб юборган. Шиа етакчилари унинг қарашларини бидъат деб ҳисоблаб, тарафдорларига ундан узоқроқ туришни буюрган. Каёл атрофида тарафдорлар тўплаб, имомликни даъво қилди<sup>46</sup>.

Абулмаъолийнинг “Баён ал-адён” асарида ёзилишича, Кайёл 295/908 йили пайдо бўлиб, исломга нотаниш қонунлар олиб келди. У форс тилидаги Қуръон тушунчасини ва ҳеч ким билмаган ёзувни яратди<sup>47</sup>. Бу жараёнлар эҳтимолан Кайёлнинг Бухорода сомонийлар вазири Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад Жайҳонийнинг иноятларидан баҳраманд бўлган бир даврга тўғри келади. Кайёлга бу таржимани амалга оширишни Жайҳоний тавсия қилган ва уни пойтахт Бухорода эмас, балки Кеш, Нахшаб ва Туркистонда ташвиқ қилишни маслаҳат берган. Кайёл дастлаб Кешга боради, лекин у кешликлар ўз эътиқодларига, фуқаҳо ва имомларига содиқ эканликларига гувоҳ бўлади. Шу сабабли у Жайҳонийнинг кейинги тавсиясига биноан Марвга борди ва ўз даъватини Марв қишлоқларида тарғиб қила бошлади. Бу ерда у ўз тарафдорларини топишга эришди. Кайёл тез орада ўз издошлари томонидан қатл этилади. Бу орада Жайҳоний ҳам вафот этди. Шу тариқа Кайёлнинг бидъат ғоялари йўқ бўлди<sup>48</sup>.

Абулҳасан Али ибн Зайд ал-Байҳақий (565/1171 йили вафот этган) Қайёлнинг ғалати жумлалари ҳақида маълумотлар қолдирган. У яшаган даврда Қайёлнинг издошлари ва унинг китоби Самарқандда ҳали ҳам мавжуд бўлган<sup>49</sup>. 543-606/1149-1210 йиллар оралиғида яшаб ижод этган Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий Қайёлнинг ғояларига қарши “Фил-имомати ала-л-Кайёл” номли асар ҳам битган. Баъзи олимларнинг фикрича, Қайёлнинг ғояларига ҳиндуийлик ва монавийлик қарашлари таъсир кўрсатган<sup>50</sup>. Шундай қилиб, сомонийлар сулоласи даврида мавжуд бўлган рофизийлик тоифасига мансуб бўлган фирқалар бўйича қуйидаги тўхтамларга келинди:

<sup>43</sup> Абдулжаббор Муҳаммад ал-Утбий. Ат-Тарих ал-Яминий. Миср, 1286. Ж. II. Б. 313-327.

<sup>44</sup> Абдулваҳҳоб ибн Али ас-Субкий. Табақот аш-шофеъия ал-кубро. Қоҳира, 1964-1976. Ж. IV. Б. 130-131.

<sup>45</sup> Али ибн Зайд ал-Байҳақий. Тарихи Байҳақ. Ҳайдаробод, 1388/1967. Б. 438.

<sup>46</sup> Муҳаммад ибн Абдулкарим аш-Шаҳристоний. Мавсуъат ал-милал ван-нихал. Байрут, 1981. Б. 77.

<sup>47</sup> Муҳаммад ибн Ҳусайн Абулмаъолий. Баён ал-адён. Техрон, 1342. Б. 67.

<sup>48</sup> Муҳаммад ибн Ҳусайн Абулмаъолий. Баён ал-адён. Техрон, 1342. Б. 66, 67.

<sup>49</sup> Али ибн Зайд ал-Байҳақий. Тарихи Байҳақ. Ҳайдаробод, 1388/1967. Б. 438.

<sup>50</sup> W. Madelung. Al-Kayyal // Encyclopaedia of Islam. Vol. I. Leiden, 1979. P. 847.

- алавийлик вакиллари фаолияти сомонийлар даврида кенг тарқалди. Бу айниқса, Ҳасан ибн Қосим, Абу Жаъфар ал-Алавий, Абулхусайн Муҳаммад ибн Аҳмад Зуборий, Абу Яъло Ҳамза ибн Муҳаммад ал-Алавий каби алавийлик етакчилари фаолиятида ёрқин намоён бўлди. Сомоний ҳукумдорлар алавийларнинг сиёсий қаршилигига ҳарбий йўл билан жавоб қайтарган бўлсаларда, уларнинг эътиқодий қарашларига ва йирик вакилларига ҳурмат билан муомалада бўлдилар.

- сомонийлар бошқаруви остидаги ҳудудларда энг кенг тарқалган рофизий фирқа бу исмоилийлик бўлди. Унинг фаолияти сиёсий жиҳатдан ҳам жуда кучли даражага чиқди. Бунда мазкур фирқа тарғиботчиларидан Абу Абдуллоҳ Ходим, Абу Саид Шаъроний, Хусайн ибн Али Марварудий, Абулҳасан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамдуя ан-Насафийларнинг рўли катта бўлди. Улар оддий аҳолидан ташқари давлат амалдорлари, ҳарбий саркардалар ҳатто ҳукумдорларни ҳам ўз эътиқодларига ишонтира олдилар.

- карромийлар сомонийларнинг йирик шаҳар ва вилоятларида катта мавқеъга эга бўлишди. Ушбу фирқа ашъарийлик ва мотуридийликни қабул қилган ҳанафий ва шофеъий мазҳаби вакиллари билан доимий баҳс-мунозарада бўлиб келишди. Улар бир муддат сомонийларнинг катта ҳарбий қўмондонлари ҳимоясида фаолият юритдилар, аммо қарашларининг ботиллиги сабаб охир-оқибат бу ҳудудларда таназзулга юз тутдилар.

- Аҳмад ибн Закарийе Каёлнинг ғоялари сомонийлар даврида Мовароуннаҳр ҳудудларида муваффақиятсизликка учраб, Хуросонда маълум муддатга ўз ўрнини топди. Бу жараёнда сомоний амалдорларнинг рўли катта бўлди. Шуни ҳам айтиш мумкинки, сомонийлар давридаги бу каби фирқаларнинг турфа хиллиги жамиятдаги эътиқод ва қарашлар эркинлигидан далолатдир.

### Адабиётлар рўйхати

1. G. Lazard. Les Poetes Persans. Tehran / Paris, 1964.
2. W. Madelung. Al-Kayyal // Encyclopaedia of Islam. Vol. I. Leiden, 1979.
3. A. Saidjonov. Somoniylar sulolasi hakmronligi davrida xorijiyilar va jahmiylar // Yosh olimlar ilmiy-amaliy to'plami: konferensiya to'plami. Toshkent: "O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi" nashriyot-matbaa birlashmasi, 2022.
4. А. Тулепов. Ислом ва ақидапараст оқимлар. – Тошкент: Шарқ, 2013.
5. Абдулваҳҳоб ибн Али ас-Субкий. Табақот аш-шофеъия ал-кубро. Қоҳира, 1964-1976.
6. Абдулжаббор Муҳаммад ал-Утбий. Ат-Тарих ал-Яминий. Миср, 1286.
7. Абдулқарим ибн Муҳаммад Самъоний. Ал-Ансоб. Ҳайдаробод, 1962-1982.
8. Абдулқоҳир ибн Тоҳир Бағдодий. Ал-Фарқ байна-л-фирак. Миср, 1948.
9. Абдулхай ибн Даҳҳок Гардизий. Зайн ал-ахбор. Техрон, 1363.
10. Али ибн Зайд ал-Байҳақий. Тарихи Байҳақ. Ҳайдаробод, 1388/1967.
11. Али ибн Муҳаммад ибн ал-Асир. Ал-Комил фит-тарих. Байрут, 1982.
12. Аҳмад ибн Али ибн Инаба. Ал-Фусул ал-фаҳрия. Техрон, 1987.
13. Аҳмад ибн Али Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. Байрут, 1985.
14. Ибн Фазлан. Рисола Ибн Фазлон. Дамашқ, 1959.
15. Муҳаммад ибн Абдулқарим аш-Шаҳристоний. Мавсуъат ал-милал ван-ниҳал. Байрут, 1981.

16. Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. Тарих ал-ислом. Байрут, 1992 – 1993.
17. Муҳаммад ибн Аҳмад Мукаддасий. Аҳсан ат-тақосим фи маърифа ал-ақолим. Лейден, 1967.
18. Муҳаммад ибн Жарир Табарий. Тарих ал-улам вал-мулк. Байрут, 1967.
19. Муҳаммад ибн Жаъфар Тарихи Бухоро. Техрон: 1351.
20. Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Надим. Ал-Фихрист. Техрон, 1346.
21. Муҳаммад ибн Ҳасан ат-Тусий. Ихтиёру маърифа ар-рижол. Машҳад, 1347.
22. Муҳаммад ибн Ҳусайн Абулмаъолий. Баён ал-адён. Техрон, 1342.
23. Рашидиддин Фазлуллоҳ. Жомеъ ат-таворих (Қисмати исмоилиён). Техрон, 1356.
24. Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд. Саудия Арабистони, 1991.
25. Ҳасан ибн Али Низомулмулк Тусий. Сияр ал-мулк (Сиёсатнома). Техрон, 1355.